



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 29-iyul, shanba № 60 (9021)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ISTIQBOLLI ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ "ИСТЕЪДОД" ЖАМГАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишини изчил такомиллаштиришни таъминлаш, иқтисодий тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган ишларга янгича суръат берди. Бу муҳим мақсадлар юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши ютуқларини давлат ва жамоат тузилмалари,

иқтисодий тармоқларида татбиқ этиш асосида жиддий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни магистратура ва PhD дас-турлари, малака ошириш ва стажировка ўташ орқали тайёрлаш, етакчи чет эл таълим муассасаларида таълим олиш учун талабгорларни танлов асосида саралаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти монито-

рингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасининг номи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилсин (кейинги ўринларда — Жамғарма).

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳоз-

лаш бўйича Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодий соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни егаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаёта жорий этиш, юрtdошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун даҳлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда.

(Давоми 7-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусика ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, ёшларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

(Давоми 8-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаб ўтилсинки, сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида «Ангрен» эркин-иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Ёқилги-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом эттирилмоқда.

(Давоми 9-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ "ИСТЕЪДОД" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Куйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий вазибалари ва мақсадли йўналишлари этиб белгилансин:

илғор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамроҳан тарзда янгилаш, янги касбга, таълимга ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтисодий ботирувчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма

базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илғор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим оlingанлар (кейинги ўринларда — стипендиатлар) ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

келажакда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илғор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илғор билим ва кўникмаларини уларнинг келгусидаги меҳнат, педагогик ва илмий фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оши-

риш марказларининг ўқув жараёнларига изчил жалб этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармасининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш учун номзодларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

2017/2018 ўқув йилида чет элнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқитишнинг мақсадли дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамғарма Васийлик кенгашига тасдиқланган ходимлар сони доирасида Жамғарманинг ташкилий тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Куйидагилар жамғарма фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

стипендиатларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари, стажировка ўташлари ва таълим олишларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ресурсларининг 10 фоиз-

дан кам бўлмаган миқдордаги маблағлари ҳисобидан, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ёрдамлари, халқаро молия институтини ва хорижий ташкилотларининг грантлари;

ходимлар иш ҳақи учун тўловларни ўз ичига олган Жамғарманинг жорий фаолияти ва унга юклатилган бошқа вазибаларни бажариш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағларидан ажратмалар, шунингдек, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан келган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ёрдамлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарма 2022 йил 1 январгача давлат мақсадли жамғармаларига солиқ тўловлари ва мажбурий йигимлардан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жамғармага хорижий таълим ва илмий муассасалар билан алоқаларни йўлга қўйиш, стипендиатларга хорижий мамлакатларнинг визаларини олиш, консуллик рўйхатига кириштиш, нотариал ва бошқа хизматларни кўрсатиш, уларнинг юборилган мамлакатда малака оширишлари ва стажировка ўташлари бўйича таълим мониторингини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишга юборилган номзодларни танлаб олишни ташкил қилишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатилишини;

Жамғарма томонидан чет элда таълим олган шахсларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари нострификациясини (эквивалентлигини қайд этиш) тўғридан-тўғри (махсус синовлар ўтказмасдан) амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамғарманинг замонавий алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси ва кенг полосули интернет тармоғига уланишини таъминласин.

9. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Жамғарма томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда чегирмаларнинг мос тизимини қўллаган ҳолда чет элларга юборилаётган стипендиатларни авиачипталар билан ўз вақтида таъминласин.

10. Жамғарма Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-йўлда жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги "Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3272-сонли Фармони-нинг 2, 3, 4, 9-бандлари ва 5-бандининг 2-хатбоши-си ҳамда 1-4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С.Исмаилов ва А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

2017-yil 29-iyul, № 60 (9021)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатларини жаддаллаштириш, илгор инновацион технологиялар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун улкан имконият яратди.

Бу эса хорижий мамлакатлардаги илгор тажрибаларни ўрганиш орқали давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу вазибаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрат, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташи, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан ўзгартириш лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорига юқори малакали рақобатбардош мутахассислар, педагоглар ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларни магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлаш, талабгорларни малака ошириш ва стажировка ўташ, етакчи хорижий таълим муассасаларида таълим олиш учун танлаб олишни такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолият йўналишларини, мақсад ва вазибаларини қайта кўриб чиқиш долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ Жамғарманнинг номи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилди.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

илгор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамоман тарзда янгиллаш, янги касб, таълим ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини

дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларда магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамият тизимининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илгор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака ошириш ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илгор хорижий тажрибалар ҳамда педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

келажакда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, силовли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жа-

раёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илгор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илгор билим ва кўникмаларини уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолияти тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнларига изчил жалб этиш.

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган Васийлик кенгаши раҳбарлик қилади.

Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

Педагог ва илмий кадрларнинг чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқишлари 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли дастур асосида амалга оширилади.

Жамғарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Мулия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги йиллик ажратмаси, Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-

контракт) маблағларидан ажратмалар, шартнома асосида хўжалик фаолияти юритиш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимойлик ҳамда бегараз ёрдамлари, халқаро молия ташкилотлари грантлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориш танлов асосида амалга оширилади.

Танловни ўтказиш Жамғарма томонидан ташкил этиладиган қабул комиссияси зиммасига юкланади. Комиссия танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни Жамғарманнинг Васийлик кенгаши тасдиғига тақдим этади.

Жамғарма стипендиалари Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мақсадли дастурлар асосида ажратилиб, чет элда таълим олиш учун тўланадиган маблағ, чет эл визасини олиш учун тўлов, йўл харажатлари (бир йилда хорижда бориш ва келиш учун бир марталик авиачипта, темир йўл чипталари ва бошқалар), турар жой ва овқатланиш ҳақи, дарслик ва ўқув қўлланмалар сотиб олиш учун ҳамда бевосита таълим билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётган барча иқтисодиёт тармоқларини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш, бозор иқтисодиёти тямойилларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қиладиган, замонавий фан-техника ютуқлари, инновацион технологияларни пухта ўзлаштирган истиқболли мутахассисларни тарбиялаш, педагог кадрлар ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг ақсарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоханлигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмапти.

Олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасалари илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Хорижий экспертлар гуруҳи томонидан тақлиф этилган тавсияларни инобатга олган ҳолда олий маъ-

лумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштироки янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Қайд этилсинки, Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5121-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги 2017 йил 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 515-сон қарори қабул қилинди.

2. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини олий таълим тизимидаги кадрлар тайёрлаш жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун республика олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосарлари — комплекс раҳбарлари, мутасадди раҳбарларга тармоқ(соҳа)лар бўйича тегишлилигига кўра 1-иловага мувофиқ бириктирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари куйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар:

бир ой муддатда кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни муҳассамлаштирувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талабларини бевосита таълим мазмунини шакллантириш билан шуғулланадиган олий таълим муассасалари профили кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тизимли ўрганиб борилишини ташкил этиш мақсадида стажировкалар жорий қилиш;

жорий йилнинг 1 сентябргача ривожланган хорижий давлатларнинг энг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўқув режалари ва фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан, ўқув-методик комплексларининг халқаро стандартлар асосида замонавий, мутлақо янги талаблар асосида ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этилишини ташкил қилиш;

олти ой муддатда комплекслар таркибидagi вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли тармоқ (соҳа) ҳамда худудларнинг жорий ва истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобга олиб, олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни йиллар кесимида аниқ манзилли, касб ва таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларини кўрсатган ҳолда, аниқ баланс берадиган ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича ҳар бир талабасининг 2-курсдан бошлаб тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш; ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун комплекслар таркибидagi вазирликлар ва идораларга қарашли тармоқлар (соҳалар)ни илмий-техник ривожлантириш йўналишлари муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда бу муаммоларни олий таълим муассасалари билан ҳўжалик шартномалари тузган ҳолда ҳал этишга уларнинг илмий салоҳиятини, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш;

иктидорли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба орттиришга

юбориш, улар учун махсус стипендиялар таъсис этиш, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабаларининг халқаро тажриба алмашувларини ташкил этиш орқали илмий ва педагогик салоҳиятини ошириш;

ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг замонавий лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини кўриш;

ҳар ойда Комплекс раҳбари, тегишли вазирлик ва идора раҳбари бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан тармоққа (соҳага) оид янгиликлар, ривожлантириш истиқболлари, таълим мазмунини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш юзасидан учрашувлар ўтказиб бориш.

4. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш борасида ўқув йили давомида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг намунавий режаси (Йўл харитаси) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибидagi вазирликлар ва идораларнинг олий маълумотли кадрлар тайёрлаш юзасидан буюртмаларни шакллантириш, тасарруфидagi олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш ҳамда тизимдаги корхоналар ва ташкилотларда талабалар амалиётларини ўтказиш, илмий ишларни ҳамкорликда бажариш, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштириш таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфидagi олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга қуйидаги вазифалар юклансин:

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таъ-

лим муассасасида барча курсларда камиди 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш, инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш, уларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш, шунингдек, ўқув машғулотларини олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш, машғулотларни ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида бугунги кунда фойдаланилаётган замонавий ўқув адабиётлари асосида ўқитишни йўлга қўйиш;

истикболли илмий-педагогик кадрларни, биринчи навбатда, муҳандислик-техника ва архитектура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари педагогларининг ривожланган давлатлар, хусусан, Жанубий Корея, Япония ва Германияда 2-3 ойлик курсларда ўзaro ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар, ҳомийлик ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендияларнинг малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишини ташкиллаштириш "Истеъдод" жамғармаси орқали мутахассислиги бўйича янги билимларни эгаллашга йўналтирилган малака оширишларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни мунтазам равишда жалб этиш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб магистратурада кадрлар тайёрлаш тизимини танқидий таҳлил қилиш, магистратура таълими жараёнининг барча босқичларини такомиллаштириш, уларни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш чораларини кўриш;

докторантлар, магистратура талабаларини корхона (муассаса)ларнинг муаммоли масалаларига бағишланган диссертация мавзулари устида ишлашини, шунингдек, тажриба-синовларни корхона (муассаса)ларда ўтказиш, амалиётга татбиқ этилган ишлар муаллифлари бўлган ҳамда ихтирочилик патентини қўлга киритган докторант ва магистрларни ўқитувчи лавозими бўйича ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 баробаригача корхона ва ташкилотлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш чораларини кўриш;

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 29-iyul, № 60 (9021)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.
Боши 1-, 4-бетларда.)

Икки ой мuddатда республика олий таълим муассасаларининг ҳар йилги рейтингини аниқлаш бўйича миллий тизимни такомиллаштириш, бунда асосий устувор кўрсаткич сифатида олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорига талабдорлиги ва профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича тузилган шартномалар асосида ишлаб топилган молиявий маблағларнинг салмоғига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, миллий рейтинг тизимига юқори кўрсаткичларни қайд этган олий таълим муассасаларига ўқув жараёнининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини бериш орқали академик эркинлик босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юзасидан тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритиш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари кафедраларининг мақоми кўтариш, бунда уларнинг таълим сифатини ошириш бўйича масъулиятини кучайтириш, кафедра ва профессор-ўқитувчилар томонидан юритиладиган турли статистик ва бошқа ҳисоботлар сонини оптимallashtiriш орқали уларни тайёрлаш жараёнларини электрон форматга ўтказиш чораларини кўриш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга моддий шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларнинг стипендиясининг 50 фоизигача моддий рағбатлантирилиши ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилишини, докторантура битирувчилари олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларига йўланма асосида юборилишини, уларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш учун базавий докторантуранинг 2-курсидан имтиёзли ипотека кредитини 25 йил мuddатга ажратиш механизми жорий этилишини назарда тутувчи Ҳуқумат қарорини қабул қилсин.

7. Олий таълим муассасаларига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазириклари ва идоралар раҳбарлари **икки ой мuddатда**:

тегишли вазириклари ва идоралар ҳузурида олий таълим муассасаларида ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш, шу жумладан, ўқув режалари ва дастурларини

такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, илмий ишларнинг самарали олиб борилишини ташкил қилиш каби вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим муассасалари раҳбарлари, соҳанинг етук мутахассислари, профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибдаги Мувофиқлаштирувчи кенгашларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарорига белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасини 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, қарорда олий таълим муассасаси бўйича белгиланган параметрларни сўзсиз бажариш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларни хорижий таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировкага, иқтидорли битирувчиларни магистратура ва докторантурага юбориш, шунингдек, ўқув лаборатория базасини янгилash бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилишини ҳар чорак якуни бўйича мунтазам муҳокама қилиб боришни йўлга қўйсин;

2021 йилгача бириктирилган олий таълим муассасаларидан камидда биттасининг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишини (рейтинг рўйхатида эълон қилинишини) таъминлаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

8. Халқ таълими вазирилиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Иқтисодиёт вазирилиги ва Молия вазирилиги биргаликда **тўрт ой мuddатда**:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида магистратура босқичида таълим муассасаларининг бошқаруви мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилишда абитуриентларни кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича ижодий сўхбат ўтказиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш; худудларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида педагогика таълим йўналишларига давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юза-

сидан тақлифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритиш вазириликни топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирилиги **бир ой мuddатда**:

ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонвий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейларни тугатиш, академик лицейларни фақат юқори илмий ва педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибига биттадан қолдириши;

ўз фаолиятини давом эттирадиган академик лицейларга умумтаълим мактабларини битирган энг билимли, қобилиятли ёшларни қабул қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва 2018/2019 ўқув йилидан жорий қилиш;

академик лицейларда ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини кескин ошириш, бунда олий таълим муассасалари ректорларининг шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича тақлиф тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазириликлар ва идоралар таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида дарс берадиган педагоглар, жалб этилган мутахассисларнинг фаолиятини таҳлил қилиш асосида самарали дарс берадиган профессор-ўқитувчилар, мутахассисларни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазириликлар ва идоралар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда:

профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ҳар бир муайян талаба билан олиб бориш, уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг таъсирчан чораларини кўриш

юзасидан услубий асосларни яратсин;

талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсадлардан унумли фойдаланилишини таъминлаш механизмларини икки ой мuddатда ишлаб чиқсин;

бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олиб, олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларнинг функционал вазириликларини қайта қўриб чиқиб, уларнинг даврий малакасини ошириш чораларини ишлаб чиқсин;

Молия вазирилиги билан келишган ҳолда **уч ой мuddатда**:

олий таълим муассасаси учун психолог ва ҳар бир талабалар турар жойи учун тарбиячи-педагог штатини жорий этиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш разряди бўйича олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат бўлими бошлигининг лавозим разрядини 16-разрядга, бўлим ходимларининг лавозим разрядини 14-разрядга кўтариш;

олий таълим муассасалари гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини янада ошириш, уларнинг доимий рағбатлантириш борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан, мураббийлар кенгаши раҳбарларига) ойлик маошининг 25 фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланишини таъминлаш;

ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишларни молиялаштириш мақсадида таълим муассасаси харажатлари сметасининг камидда 5 фоизини юқорида назарда тутилган харажатлар учун ажратиш чораларини кўрсин. Ушбу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсий масъулият олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори зиммасига юкланиши белгиланган қўйилсин.

12. Халқ таълими вазирилиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Молия вазирилиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, Марказий банк, Ўзбекистон Каса-

ба уюмлари федерациясига биргаликда **уч ой мuddатда** таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш, педагогларни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи-талабалари республика ва халқаро олимпиадаларда, танловларда юқори натижаларни қўлга киритган педагогларга уй-жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автомобиль, маиший-хўжалик жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиш тартибининг жорий этиш юзасидан тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритиш вазириликни топширилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги билан биргаликда ижарада, қариндоши ёки таъминининг уйида яшовчи талабаларни рўйхатга олиш тартибининг қулай ва соддалаштирилган шаклини ишлаб чиқсин ва **икки ой мuddатда** амалиётга жорий қилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясини таъсирчан механизмларини жорий этиш, шахсининг маънавий камол топишини психологик қўллаб-қувватлашини таъминлаш, соҳа мутахассисларининг психологик билим ва кўникмаларини шакллантириш, мазкур жараёнларнинг илмий-амалий асосларини яратиш ва методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда жамиятда психологик билимларни кенг тарғиб этиш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети таркибига Психология ўқув-илмий марказини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига **бир ой мuddатда** тақлиф қиритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масолаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича кўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий кўлинглар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаларининг хулосаларига кўра олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида айрим битирувчилар ишга жойлашгандан кейин ўз касбини, мутахассислигини қўшимча ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатининг назорати замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлики йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини рақобатбардор кадрлар билан таъминлаш масалаларини тубдан ўзгартириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини корхоналарнинг ишлаб чиқариш муносабатларига ва истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлашти-

риш мақсадида "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини олий таълим тизимидаги кадрлар тайёрлаш жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосарлари — комплекс раҳбарлари, мутасадди раҳбарлар тармоқ(соҳа)лар бўйича тегишлилигига кўра олий таълим муассасаларига бириктирилган.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйилган талабларни белгиловчи олий таълим йўналишлари малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ишлаб чиқариш стажировкаларини жорий этиш, энг илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда ўқув адабиётлари, ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, истиқболли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига стажировкага юбориш, улар учун махсус стипендиялар ажратиш каби вазифалар юклатилган.

Қарор комплекслар таркибидagi вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли тармоқ (соҳа) ҳамда ҳудудларнинг жорий ва истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобга олиб, олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни йиллар кесимида аниқ баланс берадиган ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқишни назарда тутди. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами бугунги кун битирувчиларидан ушбу ижобий ўзгаришларда фаол иштирок этишни талаб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг билим ва малакалари даражасига муайян, жиддий талабларни қўймоқда.

Қабул қилинган қарор янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таълим муассасасида барча курсларда камиди 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этишни, ўз навбатида инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш жараёнига бошқача ёндашувни талаб қилади. Шу мақсадда профессор-ўқитувчиларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш, машғул-

ларни олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилган.

Истиқболли илмий-педагогик кадрларни, биринчи навбатда, муҳандислик-техника ва архитектура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари педагогларини ривожланган давлатларда ҳомилий ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендияларнинг малака ошириш, стажировка ўтатиш, ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси орқали малака оширишларини ташкил этиш вазифаси қарорда таъкидлаб ўтилган.

Жорий ўқув йилидан олий таълим муассасалари талабаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича муайян ташкилотлар ва корхоналарда малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш белгилаб қўйилган.

Асосий масалалардан бири сифатида ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштиришга йўналтирилган ислохотлар таъкидлаб ўтилган. Ушбу ислохотлар олий таълим тизимидаги илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган бўлиб, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тайёрлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

Комплекс раҳбари, тегишли вазирлик ва идора раҳбари бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан тармоққа (соҳага) оид янгиликлар, истиқболлини белгилаб олиш, таълим мазмунини такомиллаштириш каби масалалар муҳокамасини камида ойда бири марта ўтказиши таълим тизимини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий соҳада ёш олимлар, изланувчилар ва докторантлар учун кенг имкониятлар яратиш ҳам қарорда ўз ифодасини топан бўлиб, унда амалиётга татбиқ этилган иш муаллифларини, ихтиро эгаларини моддий рағбатлантириш назарда тутилган.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорига талабдорлиги ва профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари натижалари амалиётга жорий этилиши самарадорлигига эътибор қаратилган бўлиб, бунда миллий рейтинг тизимида юқори кўрсаткичларни қайд этган олий таълим муассасаларига ўқув жараёнининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий шартларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда академик эркинлик берилиши назарда тутилган.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишига моддий шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларнинг ойлик стипендијасининг 50 фоизигача миқдорда моддий рағбатлантирилиши ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилишини, докторантура битирувчиларини олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларига ишга жойлаштириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш учун базавий докторантуранинг 2-курсидан имтиёзли ипотека кредитини 25 йил муддатга ажратиш механизми жорий этилишини назарда тутган Ҳукумат қарорини қабул қилиш вазифаси топширилган.

Қарорда яна бир муаммо — магистратурада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилган.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида магистратура босқичида таълим муассасаларининг бошқаруви мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш; педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига талабаларга қабул қилишда абитуриентлар билан кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича ижодий суҳбат ўтказиш, педагогика таълим йўналишларига давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда таклифларни ишлаб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси белгиланган.

Қарорда замонавий талабларга жавоб берадиган, олий таълим муассасаларидан йироқда жойлашган, битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейларни тугатиш, уларни фақат юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибида биттадан қолдириш масалалари қайд этилган.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига биргаликда уч ой муддатда таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш, педагоглар-

ни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи-талабалари республика ва халқаро олимпиадаларда, танловларда юқори натижаларни қўлга киритган педагогларга уй-жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган анги автомобиль, маиший-ҳўжалик жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиб тартибни жорий этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилган.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олган ҳолда қарорда талаба-ёшларнинг мафқуравий имунитетини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ижарада туровчи талабаларни рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилган шаклини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавий тарбияот маркази бир ой муддат ичида мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, шахсининг маънавий камол топишини психология қўллаб-қувватлашни таъминлаш, соҳа мутахассисларининг психологик билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг илмий-амалий асосларини яратиш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети таркибида Психология ўқув-илмий марказини ташкил этиш бўйича ўз таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори республика олий таълим тизимини янада ривожлантириш, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, илмий-педагогик салоҳиятни ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун йўналтирилган яна бир муҳим амалий сазй-ҳаракатлардандир.

2017-yil 29-iyul, № 60 (9021)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли гоъвий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қўрилган натижа бераётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қўйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг қўламини ва миқдосини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва маънавиятини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизията Республика Маънавият ва маъри-

фат марказини (кейинги ўринларда — Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маққуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қўйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин: мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва гоъвий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали гоъвий қураш олиб бориш;

жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллий гоъяни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғулларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувини жорий этиш;

маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёкараш, жумладан, китобхон-

лик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда гоъяни ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия аънаваларини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инobatга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг намунавий тузилмалари 1-4-иловаларга мувофиқ таъсис қилинсин.

6. Марказ раҳбарига унинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ раҳбари мақоми,

маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт-шароитларига кўра — вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган иш ҳақи, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказ ҳамда "Тафаккур" ва "Маънавий ҳаёт" журналлари тахририятини жойлаштириш учун бино ажратиш бўйича таклиф киритсин.

9. Марказ бир ой мuddатда ўз Уставини ишлаб чиқсин ва таъсис қилиш учун таъсис қилиш шартлари ва маърифат кенгашига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ижтимоий соҳа бўйича таъсис қилинган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига параметрларида назарда тутсин;

Марказга 5 та автотранспорт воситасини, жумладан, 3 та хизмат кўрсатадиган, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автобусни сақлаб туриш учун ҳамда Марказнинг ҳудудий бўлимларига жами 14 та хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситасини сақлаб туриш учун лимит ажратсин.

11. Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Марказ, ҳудудий бўлимлар ва бўлинмалар

ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини ишлаб чиқсин ва таъсис қилинсин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти лекторлари фаолиятини молиялаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни зарур телекоммуникациялар, интернет ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари икки ой мuddатда Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмаларини белгиланган тартибда зарур хизмат хоналари, мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ПҚ-451-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Республика Маънавият ва маърифат маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Р.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент вилояти мактаб-гача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айникса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқроқ стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг тақлифларига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги таркибида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилсин.

2. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун юқори малакали ўқитувчиларни талаб даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш; педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий педагогик технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

юртимизнинг педагогика фани бўйича қадимдан ривожланиб келган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига ёш истиқболли битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институт илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

нинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига зарур ҳолларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган нормативларига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг факультет ва кафедралари босқичма-босқич талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибига мувофиқ ўрнатилган тартибда шакллантириб борилсин.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017/2018 ўқув йили учун қабул квоталари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2017/2018 ўқув йили учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг талабалари контингентини Тошкент вилоятида доимий яшайдиган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда шакллантирсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун талабалар ўқишга амалда базавий тўлов-контракт миқдори бўйича тасдиқланган квота доирасида қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятидаги мак-

табгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагогик кадрлар ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг илмий-методик базаларини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш;

педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;

вилоятдаги педагогика соҳасида илмий-услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

вилоят таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида, педагогика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Халқ таълими вазирлигининг тақлифига асосланиб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти учун таянч олий таълим муассасаларига докторантурага 2018 йил учун мақсадли квоталар ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2017 йил 1 сентябрда:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (кейинги ўринларда — Институт) уставини тасдиқлаб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин; Институт томонидан тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказсин;

республика таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали ходимлари, жумладан, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибидан ўрнатилган тартибда Институтни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

Институт таълим йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва

компьютер техникаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Институт учун зарур педагог кадрларни жалб қилиш учун соатбай асосида ҳақ тўлаш ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейига тегишли Чирчиқ шаҳар, Истикбол кўчаси, 2"А"-уй ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хуна қоллежига тегишли Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уйда жойлашган биналари ва иншоотлари худудлари билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейи ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хуна қоллежининг 2- ва 3-курс ўқувчилари битиргуналарига қадар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг биналарида ижара тўловсиз жойлашад.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида 2018 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти объектиларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб-

бидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти сақлаш харажатлари 2017 йилда "Маориф" соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

13. Қуйидагилар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жиҳмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари; халқаро молия ташкилотларининг грантлари; қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат, 1 та махсус енгил автотранспорт воситаси сақлашга лимит ажратсин.

16. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида Тошкент шаҳридан қатнаб ишловчи профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларга бориш-келиши учун тегишли шароитлар ташкил этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини кенг жорий этиш, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими самарадорлигини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, олий маълумотли мутахассисларни худудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларни комплекс тараққий эттириш истикболларини инобатга олган ҳолда тайёрлаш таъқозо этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари, тuzилмаси ва фаолиятини ташкил этиш, моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда илмий-педагогик

кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дastури тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун 750 та қабул квоталари ажратилиб, Институтга талабалар контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантириш белгиланган. Бунда талабаларни ўқитишнинг амалдаги базавий (оширилмаган) тўлов-контракт миқдори асосида тасдиқланган квота доирасида қабул қилиш амалга оширилади.

Мазкур қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасаси ҳамда вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил қилиш ва унинг асосий вазифалари белгиланмоқда.

Институт учун 2018 йилда таянч олий таълим муассасаларида докторантурага мақсадли квоталар ажратиш, уставини ва штат жадвалларини тасдиқлаш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш, шунингдек, объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилмоқда.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш топширилган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилояти туманлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни жойларда ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини ошириш имкониятини яратишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узок муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга татбиқ қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширишдаги самарадорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича белгиланган вазифалар илгор халқаро тажрибалар асосида юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали (кейинги ўринларда — Филиал деб аталади) ташкил этилсин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро ютуқларни ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги маҳаллий илмий ва интеллектуал салоҳиятнинг ривожлантириш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги илгор технологияларни ишлаб чиқиш, уларни республиканинг геологик ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ қилиш; тоғ-кон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, уларни энг замонавий халқаро фан ва технологиялар ютуқлари асосида қайта тайёрлаш;

энг илгор хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг таркибий тuzилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг тасдиқланган таркибий тuzилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Филиал Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг юридик шахс мақомидаги таркибий тuzилмаси ҳисобланиб, кундузги, махсус сиртқи ва кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябрда:

Филиал Устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан, шу жумладан, фаолият тугатилган Навоий давлат кончилик институтининг Олмалик факультети профессор-ўқитувчилари ҳисобидан таъминлаш чораларини кўрсин; Филиалда ўқув-методик жараяннинг

ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Куйидагилар Филиал фаолиятини мoliялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетли мабзалари;

ҳўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қуйилсинки, 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул ўқитиш шакллари бўйича куйидагича:

кундузги бўлимга Навоий давлат кончилик институтининг Олмалик факультетида 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан;

махсус сиртқи ва кечки бўлимларга 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

7. Белгилаб қуйилсинки:

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртқи ва кечки бўлимига мақсадли қабул ўрта махсус, касб-хунар маълумоти, камиди уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган ҳамда "Олмалик КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекўмир" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўлланмаси берилган кадрлар ҳисобидан суҳбат асосида амалга оширилади;

суҳбат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва "Олмалик КМК" АЖ томонидан тасдиқланадиган Махсус комиссия томонидан ўтказилади;

махсус сиртқи ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилингандан ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шarti билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тuzилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига Филиалда таълим олиш учун йўлланма берувчи ташкилот ва корхоналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига "Олмалик КМК" АЖ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекўмир" АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим шакллари, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қабул қилинадиган талабалар сони бўйича тақлифлар киритиш юклатилсин.

(Давоми 10-бетда.)

Матода акс этган орзулар

Иқлим момонинг умр йўлини белгилаб берди



Чевар матони тиззасига эркин ташлаб, атрофини гир ўраган шогирдларига каштадўзликнинг нозик қирралари хусусида сўзлайди. Шўрчи тумани Ибн Сино маҳалласида истиқомат қилувчи чеварларнинг «Хаммамизни тикувчи қилган Иқлим момо умридан барака топсин!» дея алқашида жон бор. Бир-биридан бежирим ва нафис каштачилик намуналари Иқлим Тошбоева ҳаётининг мазмунига айланган.

Қаҳрамонимиз Нозик, Ҳожар, Оплоқ момо Чориева каби каштадўз момоларнинг муносиб давомчиси, ўзининг табири билан айтганда, бу ҳунар унга ҳам «юққан». Болалигидан шойи-бахмал, калава ип, тўқув дастгоҳлари унинг иш қуролига айланган.

Иқлим момо тиккан сўзана, зардевор, ёйгилам, мўкки бог, ойнахалта, чимилдиқ бог, чонач, қасаба дўппи, момосалла, жамалак, чакка-тупак (попук маъносида), бўйинтупак, томоқай, хапабанд, нозигардон, сетора, курта, гулрўмол, боботелпак, пешонабанд, гулли ёйиқ каби воҳага хос қадимий ноёб амалий санъат намуналарида унинг ижоди нақалар серқирра, диди ва маҳорати юксак экани кўзга яққол ташланади. Чевар жунгилам, бўғжона, кигиз, рангли пўстак, хуржунтўрва тўқишда асрлар оша яшаб келаётган миллий нақш элементларидан усталик билан фойдаланади.

«Кийса гар арзир эмиш элга ҳунар...»

Дарвоқе, миллий каштачилик ҳалқимизнинг ўз турмуш тарзини гўзаллаштириш истиғида юзга келган. Қадимда момолар меҳнати, заковати ила яратган каштачилик намуналари аёллар кўрку жозибаси, уйларнинг безаги бўлган. Гулҳаний «Зарбулма-сал» асарига демишки, «Айди: «Улус ичра бу бир касбдур, Касбни бошина кийсанг насбдур». Кийса гар арзир эмиш элга ҳунар, Бехунар элни дедилар гўши хар».

Бадийи каштачилик жуда узоқ тарихга эга эканини археологик топилмалар, ёзма манбалар исботлайди. Ўзбек каштачилик табиий шароит, тарихий муҳит билан боғлиқ ҳолда, ҳунармандликнинг бошқа турлари билан биргаликда ривож топган. Жумладан, XIV–XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганини кўриш мумкин. Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий каштаси безакларини кўрганни ўз қўлидаги ёзиб қолдирган. 1467 йили Камолдин Бехзод «Зафарнома» асарига ишлаган «Темур тахтада» миниатюрасида чодирга тикилган каштани акс эттирган.

— Каштачиликда ҳар бир миллиянинг ўзига хос, кўп қўллайдиган нақшлари бор, — дейди Ўзбекистон «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Иқлим Тошбоева. — Масалан, рус каштачилигида геометрик шакл, гул, қўш ва мевалар кўп тасвирланади. Қозоқ ва қирғиз каштачилигида эса ҳайвонлар,

шоҳ ва тўғқларни эслатувчи элементлар устунлик қилади. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кенг қўлланилади. Рамзлар ўша халқ орзу-истакларини аниқ ифодалайди.

Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари келинлик сепидаги турли-туман каштачилик буюмлари, яъни дастрўмол, чойхалта, ойнахалта, парда, белбоғ, сумка, нимча, жойнамош, гул-кўрпа, зардевор, чойшаб, сўзана, кирпеч, дорпеч, бўғжона, тақиятўш (ёстиқ устига ёпиладиган), ҳамён ва бош кийимни ўзлари тайёрлаш лозим эди. Тўйда у қувнинг қариндош-уруғига ўзи тиккан буюмларни совға қилар, бу унинг чеварлиги, эп-ли-уддабурон эканидан дарак беради. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, шунчалик юқори баҳоланган. Шу боис оилада қиз болага 7–9 ёшидан кашта тикиш ўргатилади. Чевар қизлар қўл меҳнатида ёшликка хос орзулар ифодаланган. Ўтмишда бу нақшлар ҳисори, адрас матоларни безаган бўлса, кейинчалик сатин, шойи, баҳмалга тикиш урф бўлди.

Боқий безакларни бойитиб

Якка тартибдаги тадбиркор Иқлим Тошбоева Биринчи Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бадийи ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлайди.


— Эп-лиқ йилдан бери каштадўзлик билан шуғулланаман, — дейди у. — Тиккан кашта, сўзана ва миллий либосларим кўпчиликка манзур бўлаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Истиқлол ҳунармандларимизга нуфусли халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, каштачилик буюмларини намойиш қилиш имконини берди. Бу имкониятлар кўпроқ изланиш, қадимий анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришга иштиққимни оширади. Айниқса, давлатимизнинг хотин-қизларга юксак эътибори опа-сингилларимизни руҳлантириб, оилалар аҳил, ҳаётимиз гўзал бўлишига хизмат қиляпти.

Иқлим Тошбоева тиккан сурхон палаклари, сўзана, чойшаб, дастурхон, ёстиқ жилдлари, chopon, аёллар кўйлаги, нимча, дўппи, пешонабанд намуналари нafaқат мamlakatимизда, балки хорижда ҳам машҳур. У яратган миллий ҳунармандлик буюмлари чет мамлакатларда ўтказилаётган ўзбек халқ амалий санъати кўргаз-

Hunarmandlik hikmati

маларида хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда.

И.Тошбоева «Ташаббус — 2003» кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичида «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» номинацияси бўйича 1-урин соҳиби бўлди. «Кўли гулдир ўзбек аёли», «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан», «Ватаним тараққийига менинг ҳиссам», «Муस्ताқил юрт ҳунармандлари» каби республика миқёсидаги танлов, кўргазмаларда юқори натижаларга эришган. У яратган каштачилик намуналаридан вилоятдаги Термиз рақс маркази, «Жайҳун», «Чанқовуз», «Булбулигўё» сингари фольклор-этнографик жамоалар чиқишларида, кўклам фаслида ўтадиган



«Бойсун баҳори» анъанавий этнографик фестивалида кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда ҳунарманд кўлаб ёшларга каштачиликни, миллий либосларни тикиш усулларини ўргатмоқда. Шогирдлари орасида фарзандлари, набиралари ҳам бор.

— Каштачиликка меҳрим бойланган, — дейди набираси Лола Раҳмагуллаева. — Каштада гул, турли геометрик ва фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонлар, кейинчалик инсон қиёфаси ва тарихий обидаларни рангли ип ёрдамида акс эттиришни ўрганишман. Илк бор момом билан бирга тиккан дастурхон мен учун жуда қадри. Ҳозир XV–XVI асрларга доир сўзаналарни тикиш сирларини ўзлаштиришимиз.

Кашта ип ва игна ёрдамида матони дид билан безатишдир. Унга кигиз, чарм, картон, зигир, жун, ипақ, зар иплар, майин сим, тасма, маржон, металл пуфакча, қимматбаҳо табиий ва сунъий тош, мунчоқ каби материаллар ишлатилади. Каштада мос рангдаги ипларни танлаш зарур. Тўғри танланган ип каштанинг жонивдорлигини таъминлайди.

Малакали кашталар ва тўқувчи Иқлим Тошбоевнинг таъкидлашича, қўлда кашта тикишнинг икки тури мавжуд. Биринчиси, матонинг арқов ҳамда ўрим ипларини санаб тикиш бўлса, кейингиси матога гул тасвирини чизиб, эркин тикишдир. Арқов ўрим иплари кесиштирилган

полотно ёки бўз шаклида тўқилган матога тикилади. Бу мато кашта ипларини санаб тикишга қулай. Эркин кашта мато танламайди, туширилган чизик бўйлаб тикилади.

Иқлим момо халқаро кўргазмаларда эътироф этилган каштачилик намуналарини бирма-бир изоҳлайди:

Зардевор — сидирга шойи, баҳмал, сатинга кашта тикиб безатиладиган бадийи буюм. Янги тушган келиннинг уйига, шифтига ёки деворига илиб қўйилади.

Кирпеч (кирпўш) эса тоқчага тахлаб қўйилган кийим-кечак устидан ёки деворнинг вертикал бўш жойларига илиб, ўйни безатиб туриш учун ишлатилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийим-кечакни чангдан сақлайди.

Деворга илинадиган энг йирик безак буюмларидан бири бўлган палакда осмон ва тўлини ой акс эттирилади. У гулларнинг йириклиги, заминига ҳам кашта қопланиши билан ажралаб туради. Оқ ёки мадда бўзга тикиладиган палакнинг ўртасига қирмизи, пушти ипақ билан йирик ой тасвири туширилади ва атрофида нафис ўсимликсимон нақшлар ифодаланadi. Бодом, қалампирсимон нақшлар кўп қўлланилади. Палакда қирқтагача ой тасвирланади. Олти, ўн икки, ҳаттоки катта уйлар учун қирқ ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли рангда тасвирланган. Сидирга рангда ифодалангани ойналак, агар нақшли бўлса, гулпалак деб юритилади. Кейинчалик палак ўрнида «сўзана» атамаси пайдо бўлди.

«Сўзана»

«Сўзана» форсча (сўзани деб ҳам юритилади) игна билан тикилган дега маънони билдиради. Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Нурота, Шахрисабз ва бошқа жойларда XIX асрга оид сўзана намуналари сақланган. Ночор оилада сўзанани оқ бўздан, ўзига тўқ оилалар шойи, баҳмалдан тикишган. Мато ранги кашта замини бўлиб хизмат қилган. Сўзана ўртасига кўпинча доирасимон гул тикилиб, атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади.

Ўзбек халқ усталари яратган сўзана, зардевор, кирпеч, гулқўрпа, чойшаб кабилар Германия, Бельгия, АҚШ, Хиндистон, Афғонистон каби мамлакат музейларида доимий экспозицияга айланган ва катта шуҳрат қозонган. Ҳозиргача бу буюмлар ўз таровати, нафис безаклари билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда.

Чоклар жилоси

Иқлим момонинг издошларидан бири Роҳат Тангрибердиева Денов туманидаги Ҳазорбоғ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқувчиларга тикувчиликдан сабоқ беради.

— Сурхон дўппиларига эътибор берганмисиз? — дейди коллежнинг махсус фан ўқитувчиси Роҳат Тангрибердиева. — Икки чаккага тушиб турадиган попуқлар учига мунчоқ қадаб, шудринг янглиг зеб берилган. Бу қизлар хуснини янада очади. Устозим Иқлим опа ўтмишда массагетлар сардори, адолат тимсоли Темур бош кийимининг икки ёнида ана шундай тупаклар бўлганини айтиб, бугунги ёшларни аждодларга муносиб этиб тарбиялашни биз, педагог шогирдларига кўп бора уқтиради. Тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш мутахассисларини тайёрлашда унинг жимжимдор чоклар ҳақидаги маълумотлари асқотайди.

(Давоми 16-бетда.)

2017-yil 29-iyul, № 60 (9021)



ЮГУРИШ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Айова (АҚШ) университети олимлари югуришнинг инсон организмга ижобий таъсирини яна бир бор исботлади, деб ёзади «Лента.ру» манбаси.

Маълум бўлишича, инсон ҳафтада бир соат югуриш билан шуғулланса, умрини етти соатга узайтираркан. Бу одат 40 йилгача тўхтатиб қўйилмаса, умр камда уч йилга узаяди. Қолаверса, югуриш тамаки маҳсулоти ва спиртли ичимлик истеъмол қилувчиларнинг ҳам умрини узайтиради.

Сабаби оддий. Доимий тарзда югуриш машқи қатъий ва бир хил тартибда бажариб борилса, ичкилик ва кашандалиқдан халос бўлишга кўмак беради. Боиси, бу вақтда ўпка ва жигар тозаланиш палласида бўлади.

Аммо олимлар мунтазам равишда узоқ масофага югуриш, марафонларда иштирок этишни тавсия қилишмаган. Шунингдек, бундай ҳолатда буйракни ишдан чиқариш мумкинлигини ҳам кўшимча қилиб ўтишган. Югуришдан ташқари, ҳар куни қисқа масофага велосипедда бориб келиш ҳам саломатлик учун кони фойда.



нилади. «Суюқ металл» қопламали «iPhone» ёзуви остида яратилаётган янги смартфоннинг сурати эълон қилинган.

Авалроқ «iPhone 8» ойнали корпусга эга бўлиши ҳақида хабар берилган эди. Навбатдаги янги панелни ишлаб чиқарувчилар «Biel Crystal Manufactory» ва «Lens Technology» компаниялари ҳисобланади. Инсайдерларнинг таъкидлашича, смартфон 5,8 дюймли OLED дисплейга эга.

Калифорния технология институтининг илмий гуруҳи томонидан у қайта ишланган. «Liquidmetal Technology» компанияси материални технологияларнинг тижорий тарқалиши учун яратган. Компания «Apple»га технологиядан фойдаланиш учун мuddатсиз эксклюзив лицензия тақдим қилди.

ҚОН ТАҲЛИЛИ 5 ДАҚИҚАДА АНИҚЛАНДИ

АҚШнинг Массачусетс шифохонаси тадқиқотчилари организмда инфекция бор-йўқлигини бир томчи қондан санокли дақиқада аниқлади. Бу янгилик «Nature Nanotechnology» журналида босилди.

Массачусетс шифохонаси мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотда қондаги иммун ҳужайралар нейтрофил сони орқали аниқланди. Одатдаги қон таҳлилидан унинг афзаллиги нимада, деган савол туғилади.



Нейтрофиллар инфекция ва яллиғланишда мудофаа линияси ролини бажаради. Илк дақиқалардан бошлаб ушбу ҳужайралар инфекция билан зарарланган тўқималарга қараб йўналтирилади. Тажриба бир неча соат давом этди. Тадқиқотни бошқача усулда ўтказган шифокорларнинг ҳужайралар ҳаракатини ўрганишида бир неча грамм қон кифоя бўлди.

Мутахассислар бармоқдан ва венадан олинган қоннинг ҳаракатланишини тозаланган нейтрофил нусхаси билан солиштиришди. Аниқланишича, бармоқдан олинган қоннинг ўртача тезлиги (дақиқасига 19+6 микрометр) ва ҳужайраларнинг миграциялаш йўналиши (91,1 фоиз ҳолларда) самарали эканлиги маълум бўлди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, Эъзоза НАЖИМОВА тайёрлади.

ИШСИЗ ЭРКАКЛАР ТЕЗ ҚАРИЙДИ(МИ?)

Лондон қироллик коллежи ва Финляндиянинг Оулу университети олимлари ишламайдиган эркак бирон фаолият билан шуғулланадиган тенг-қурларига нисбатан тез қаришини аниқлагани ҳақида «Scientific Reports» журналида ёзилди.

Олимлар Финляндияда 1966 йилда туғилган 5,5 минг аёл ва эркакнинг ДНК маълумотларини ўрганиб, шундай хулосага келган. Уларнинг ҳужайрасидаги теломерлар орадан 16 йил ўтиб, нобуд бўлганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, энг калта теломер аксарият ҳолларда ишсиз юрган эркакларда кўпроқ учраган. Аёлларда эса бу ҳол қайд қилинмади.


Теломер бу хромосоманинг бир қисми бўлиб, унинг қисқариши қарилк билан боғлиқ. Теломерларнинг узунлиги қарилкни, ёш билан боғлиқ касалликлар ва эрта ўлимни аниқлашда қўл келади. Бундан ишсиз юриб, тез қарийдиган эркаклар ҳам мустасно эмас.



БЕЗГАККА ҚАРШИ ВОСИТА

Оксфорд университети олимлари ушбу касалликка қарши янги вакцинани яратиш устида тадқиқот олиб борганлиги ҳақидаги мақола «EurekAlert!» нашрида эълон қилинди.

Бунинг учун тадқиқотчилар 36 респондентдан 11 нафарига вирус асосида тайёрланган бир хил антигенли вакцина берди. Натижада улардан уч нафари безгак ташувчи чивинлар чақишидан самарали ҳимояланди. 5 нафар иштирокчида эса безгакнинг ривожланиши сусайди. Бу натижа кемирувчиларда ҳам қайд этилди. Умуман, вакцина туйфайли 90 фоиз безгак ташувчи паразит нобуд бўлди. Бундан кўришиб турибдики, вакцинанинг иммун тизимининг касаллик ташувчиларга нисбатан курашиш қобилияти ошган.



Профессор Эдриан Хиллнинг сўзларига кўра, Ер юзи аҳолисини ташвишлантирган безгак деярли йўқолиб кетган бўлса-да, айрим қитъаларда охири ўлим билан якун топадиган бу касаллик учраб туради. Э.Хилл томонидан илгари сурилган бу лойиҳа «Okarios» компаниясининг молиявий кўмагида амалга оширилган.

«iPHONE» КОРПУСИ «СУЮҚ МЕТАЛЛ»ДАН ИШЛанаДИ

АҚШ савдо маркалари ва патент бюроси «Apple» компаниясининг «iPhone» смартфонини яратишда «суюқ металл»дан (Liquidmetal) фойдаланиш режалари ҳақида «USPTO» сайтида хабар берилди.

«Суюқ металл» цирконий, титан, никель ва бошқа материалларнинг қотишмаси бўлиб, кўриниши ойнани эслатади. Материал етарлича пишқиб бўлиб, коррозияга чидамли қилиб ишланган. Шу билан бирга, қотишма қайта тикланиш ҳамда кичик тирналишларни беркитиш хусусиятига эга. Сайтда кўрсатилишича, металлдан янги «iPhone» корпуси учун фойдала-

Осуда ҳаётнинг қадрига етайлик!

Огоҳ, ҳушёр ҳамда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиб яшаш ҳаётимизнинг тинч-осуда ва фаровон бўлишини таъминлайди. Хизмат фаолиятимиз давомида ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга кўп гувоҳ бўламиз. Баъзан одамларга шу каби фалокатлар нима сабабдан келиб чиқаяётганини тушунтириб берсангиз, гўёки уларга алоқаси йўқдек, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари уни бартараф этиши керак, деб ўйлайди. Ёнгинлар келиб чиққанда уни бартараф этиш бизнинг вазифамиз, албатта. Аммо ана шу ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олиш ҳар биримиздан огоҳликни талаб этади.

Юртимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолини огоҳликка чорлаш, ҳудудларда, жумладан, таълим муассасаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳалла посбонлари ҳамда ўқитувчилар иштирокида мунтазам равишда суҳбатлар, тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Ёнгинларнинг олдини олиш, улар сонининг ортишига йўл қўймастик мақсадида аҳоли ўртасида «Олов — тилсиз ёв» мавзусида ўтказила-

ётган суҳбатлар ўз самарасини бераётди. Шу билан бир қаторда, ёнгин, ўт-олов балоси билан курашишда ҳар бир фуқаро, кексаю ёш соҳа ҳодимларига ёрдам бериши керак.

Ўзимиз, ўз мол-мулкимизни хатотларни асло кечирмайдиغان хатар — ёнгин балосидан асрашда ҳам-жихатлик муҳим.

С.ЭРКИНОВ, Х.АХМЕДОВ, Сергели тумани ЁХБ кичик инспекторлари

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси университет Касаба уюшма қўмитаси собиқ раиси

Умид ота АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия билдиради.

ОЛТИН БОБО

Нортожи муаллимнинг фаройиб ҳикоялари

Хизмат сафари сабаб бир неча йил илгари пойтахтга бордим. Ушанда Низомий номидаги педагогика университетининг малака ошириш факультети тингловчилари турар жойида жойлашдим. Вилоятлардан келган коллеж ўқитувчилари ҳам анчагина экан бу ерда. Кечки овқатдан сўнг кўшни хонадаги ҳамкасблар қошонамизга келишди. Ўзаро танишдик. Олдимда турган газеталар тахланини кўриб, бирови:

— Майлими бир кўрсам? — деб сўради. Бош ирадим. Газеталардан бирини варақлай туриб:

— Э-э, мана бу сиз эмасми? — деди исми-шарифимга ишора қилиб. Гапни танишганимизга унча кўп бўлмаган ҳамхонам илиб кетди.

— Худди ўзлари. Зерикмайдиган бўлдик. Инди бу кишининг фақат суҳбатларидан эмас, ёзганларидан ҳам баҳраманд бўлаверамиз...

Файзли суҳбатимиз секин-аста авжга чиқар, бояги киши эса ўзини қайта таништириб, кўраган-билганларини ҳикоя қилишдан завқланар, гўё бунга менга айтса, бошқалар ҳам хабар топадигандек беиҳоя суноярди.

"ЕТИМ ҚУМ" МЎЪЖИЗАСИ



— Асли шерободликман. Тумандаги қишлоқ ҳўжалиги коллежида ишлайман. Рўзгорим бут, нолийдиган жойим йўқ. Сизга бир-икки кўрган-билганимни айтай, балким ёзарсиз, — дея ҳикояларини бошлади Нортожи муаллим. — Қизириқда Гиламбоп деган қишлоқ бор. Шу қишлоқ этагида бир гектарча жой қип-қизил қумликдан иборат. "Етим қум" дейишади. Лекин ўша қумликда галати сир бордек. Ранги қизғиш, қўлда турмайди, кафтингизга олиб сиқимласангиз, ўзидан ўзи тушиб кетади. Шифобахш. Оёқ, бел, бепушлик, простата беши шомоллашларига даво бўла олади. Қум ваннаси дегани шу бўлса керак. Энг қизғиши, у қумга қумилган, ювиниш шарт эмас. Ўзидан ўзи тушиб кета-

ди, денг. Бадандан чиққан тер уни номига лойга айлантиради. Бироқ ўша лой ҳам кўп ўтмай, уқаланиб тушиб кетади. Аввалига иссиғига чиқолмайсиз. Уч-беш дақиқа ўтсин, мослашасиз. Энг қизғиши, одамлар шу қумдан уйларига элиб, фойдаланишга уриндилар. Натижа чиқмади. Тўкилган қум бир кеча-кундуздаёқ ерга сингадими, осмонга учадими, ақл ишонмайди — йўқолади. Қаерга кетишини ҳозирча ҳеч қайси олим аниқлай олмаган.

ТОВУҚХЎР ИТНИНГ САДОҚАТИ

— Беш фарзанд, шунча набирам бор. Ҳовлимизда мевали дарахтлар кўп. Қўшимча даромад деб, картошкка экамиз. Фойда ҳам ёмон эмас. Лекин сизга қизиқ воқеани сўзлаб берай. Бунисини албатта ёзинг. Зора қорақўз гўдагини етимхоналарга топширадиган баъзи аёлларга ибрат бўлса...

Божамнинг бир ити бўлиб, нукул товук ерди. Бизга берди. Жойи ўзгарса, одатини ташлар, дедик. Хом ўйлаган эканмиз. Ит қилигидан қолмади. Бешинчи товукни ҳам егач, чидаб турулмамиз. Шартта тутдим-да, озсизга товук билан роса урдим. На-




тижасини қаранг, кучук ўшандан бошлаб товукқа қарамайдиган, берганимизга қаноат қиладиган бўлди.

Катта неварамнинг исми Холбек. Биринчи невара ширин бўларкан. Мени "Олтин бобо" дейди. Холбек бир ёшдан ўтганда ажаб воқеа бўлди. Кунларнинг бирида неварам момосининг қўлидан чиқиб, уйимиз биқинидаги ариққа қараб кетибди. Суви унча кўп эмас-у, ёш болани оқизиб кетиши аниқ. Сувининг шилдираши унинг диққатини тортганга ўхшайди. Хуллас, набирам ариққа тушиб кетиб, чинқираб йиғлай бошлади. Тасодифни кўрингки, итимиз Қоровой сувга қараб югуриб, тезда неварамнинг қўйлагининг елкасидан тиши билан кўтариб олибди. Суви силқиб тушунча озсизга ушлаб, кейин ерга қўйибди. Бу пайтда аёлим уни қидириб чиққан, усти жиққа хўллигидан набирам ариққа тушиб кетганини сезиб, Худого шукур, деб йиғлаб юборганмиш. Кейинги гаплар бундан-да галати. Ҳозир шу набирам йиғласа, Қоровой ҳам худди ўшанга ўхшаб инграйди. Ҳатто, неварам нариги момосиникида йиғласа, ит бунга сезиб, инграйверади. Бир сафар уйимиздан уч, уч ярим километр узоқликдаги танишимизникига тўйга бордик. Кеч палла эди. Чиқсак, ит машинамиз олдида бизни кутиб турибди, аниқроғи бизни эмас, Холбекни. Эшикни очиб: "Бу нима қилиқ? Чиқ машинага!" деб қойидим. Худди айбдор боладек ма-

шинага итоаткорона чиқди. Тилсиз жониворнинг неварамизга бўлган меҳрини кўриб, табиат мўъжизалари олдида лол қоламан.

САНДАЛ



Ургутда Уроқбойжар деган қишлоқ бор. Ўша ерда Рўзикул деган дўстим яшайди. У ҳарбий хизматда Россиянинг Ростов-Дон шаҳрилик бир рус йиғити билан дўстлашади. Ўтган асрнинг 85-йилларида шу йиғит турмуш ўртоғи билан Ургутга келган экан. Биласиз, Ургутга киш эрта келади. Газ йўқ, Чироқ ҳам кўп ўчади. Хуллас, меҳмонлар бир ҳафтача қолиб кетадилар. Рўзикул меҳмонлар учун алоҳида сандалли хонани ажратди. Сандал қозониди ўрик ва олма ёғочидан чўғ бўлади. Эр-хотин ана шу сандалдан ҳар оқшом фойдаланишган. Меҳмонлар кетгач, орадан бир ой ўтиб, Россиядан мактул келади: "Рўзикул, бизга сандалнингнинг лойихасини юбор. Яши нарса экан. Биз тўққиз йилдан бери бефарзанд эдик. Бу ерга келганимиздан сўнг хотинимнинг оғирроқ бўлгани маълум бўлди. Хуллас, сендан ва махсус иситгичингдан миннатдорман". Рўзикул ҳам жавоб ёзади: "Лойихани юборишим мумкин, лекин ўтин юборолмайман".

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ

Ангрэн шаҳри

Ким Бахтиёр

Бу синфга илк бор кирган муаллима доска ёнида қўлларини чалиштирганча, ўзига тикилиб турган ўғил-қизларнинг ҳар бирини синчиклаб кузатди. "Ажойиб болалар экан!" деган фикр ўтди хаёлидан. Бегуборлиги юз-кўзларидан шундоқ акс этиб турибди-я. Мактаб формаси, парта устида китоб, дафтар ва ручкалар... ҳаммаси чиройли! Нақадар бахтиёр дамлар!

Муаллима ўқувчилар билан яқиндан танишиш мақсадида синф журналини очди. Йўқлама қилишга тушди.

— Ким Бахтиёр! — журналдаги бу ёзувни ўқиётганида беихтиёр овози жаранглаб кетгандек бўлди.

— Мен... — ўрта партадаги ўқувчи ўнг қўлини кўтарганча сапчиб ўрнидан турди.

Муаллима бир журналга, бир болага юзланди. Қизиқсинди: "Корейс миллатига мансуб болага Бахтиёр деб исм қўйишибди. Ажойиб!".

— Доскага марҳамат, — муаллима меҳр тўла кўзлари билан ўқувчини ўзи томон чорлади. Унинг юриш-туришига разм солди. "Рост-данам, исми жисмига мос бола экан!".

— Исмингни ким қўйган? — қизиқсиниб сўради у.

— Дадам, — жавоб берди бола кимтинибгина.

— Даданг нима иш қилади?

— Тадбиркор.

— Ойинг-чи?

— Дўхтир...

— Катта бўлганингда ким бўласан?

— Ўқитувчи.

— Зўр-ку, қайси тилларни яхши кўрасан?

— Ўзбек ва корейс.

— Яхши ўқисанг, баҳоларинг беш бўлса, орзунга эришсан, — муаллима шундай деб ўқувчиларга юзланди. — Болажонлар, сизлар юртимизнинг эртанги кунисиз. Шунинг учун аъло баҳоларга ўқиб, касб-хунарли бўлишингиз керак. Бунинг учун ҳамма шароит, имкониятлар мавжуд, тўғрими?

— Тўғри! — болаларнинг овози синфни тутди.

Муаллима қўлига бўрни олиб, доскага чиройли хуснихатида мавзун и ёзди. Устознинг хуш муомаласи, ёқимли овози, меҳри болаларни ўзига бутунлай мафтун этди.

Танаффус. Синфдан чиқиб кетаётган муаллимнинг ортидан қараб қолган ўқувчилардан бири:

— Устоз жуда бахтлига ўхшайди!

— деди беихтиёр. Атрофдагилар бу

сўзни гўё ҳар бири ўзича айтгандек мамнун.

Уйга қўшдек учиб келган Бахтиёр ҳаяжонини босолмай, хурсандлигини яширмади.

— Намунча оғзинг қулоғингда, болам?

— Биласизми, онажон, бугун-чи, синфимизга янги устоз келди.

— У яхши ўқитувчи эканми?

— Ҳм... нима десам экан, жудаям бахтиёр.

— Бунга дарров қаердан била қолдинг?

— Кўзларидан, бизларга муомаласидан.

Онаси ўзини кулгидан зўрга тийди. Ўғли ҳовлиққанча сўзидан давом этарди:

— Исмин... исмин устозга жуда ёқди. Уни ким қўйган деди.

— Оббо, сен-ей! — дея онаси Бахтиёрни бағрига босди ва пешонасидан ўлди. Нима учун бу номни қўйишганини айтиб берди. Онаси гапини тутатиши биланок:

— Вой, қандай яхши! — деб чапак чалиб юборди Бахтиёр. — Менга айтган гапларингизни ёзиб беринг, устозимга кўрсатаман.

— Майли, болам, қани ручка-қоғоз олиб кел-чи.

— Дафтар сиёҳлана бошлади. Бола

маржондек тизилаётган сатрлардан кўз узмасди:

"Бобом ва бувим узоқ йил муқаддам Корейдан Ўзбекистонга келган. Бу ерда муқим яшаб қолган. Ота-онамиз шу ерда туғилиб, вояга етган, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган. Улар бир гапни кўп такрорларди: "Ўзбекистонга кўз тегмасин!". Яна, кичкиналгимда "Ватанимизни бунчалар яхши кўришингизнинг сабаби нима?" деб сўрсам, бобом: "Ўзбекистонда бахти кулган, бахтиёр инсонлар яшайди..." деб фахр билан қулочини ёйиб, набираларини қучоғига чорларди. Ўғлимиз исмига келсак... фарзандли бўлганимизда турмуш ўртоғим Ким уйга чехраси ёришиб, қувониб кириб келди. "Мана бунга ўқи!" деганча туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома кўлимга тутқазди. "Қандай яхши!" дедим ўшанда ва гувоҳномага кўз ташладим. Бахтиёр. "Нега айнан Бахтиёр?" дея юзландим Кимга. "Энг чиройли исмлардан бу. Ҳамиша бахт ёр бўлсин, деб қўйдим-да!" деди Ким. "Яна бир гап: ўғлимиз бирпасда улғайиб, мактабга қатнайдиغان бўлади. Шунда ўқитувчиси журналга қараб "КИМ БАХТИЁР" дейди. Ўғлимиз эса ўшанда "Мен!" дея қўлини кўтаради. Ажойиб-а!".

Абдулла АЙИЗОВ

2017-yil 29-iyul, № 60 (9021)

Методик хизмат сифатини ошириш: муаммо ва ечимлар



Республика "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодиёт марказида "Методик хизмат сифатини ошириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари "Баркамол авлод" болалар марказлари директорлари, тажрибали услубчилар иштирок этди.

Семинарда Республика "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодиёт маркази директори Д.Эрматовнинг "Баркамол авлод" болалар марказларининг янги ўқув йилидаги вазифалари", марказ услубчиси Д.Муродовнинг "Бар-

камол авлод" болалар марказларининг фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Марказларда таълим самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида таклифлар билдирилди. Жойларда

амалга оширилаётган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

— Бугунги семинарда соҳага оид қатор янгиликлардан хабардор бўлдим, марказларда олиб борилаётган ишлар, янгиликлар ҳақида фикр алмашдик, — дейди Чилонзор тумани "Баркамол авлод" маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Нилуфар Қобило-

ва. — Болалардан йигилладиган бадал пули эндиликда яхши кўрсаткичларга эришаётган тўғра раҳбарларини рағбатлантириш учун ишлатилиши ҳам маълум маънода рағбат уйғотиши аниқ. Тадбирда марказимизда фаолият юритаётган "Қўл меҳнати" тўғраги раҳбари Елена Эрихнинг иши омалаштиришга тавсия этилди.

Асолат АХМАДКУЛОВА

Жорий йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дея номланиши «Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти ҳамда газетхонлар ўртасида кечадиган турли учрашувлар, жонли мулоқотларда янги уфқни очди. Муштарийлар билан дейдорлашув, уларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб бериш, таълим соҳасига оид мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб келаётган газетамиз мазмунини янада оширишга хизмат қиладиган таклиф ва мулоҳазаларни тинглаш, уларни амалиётга татбиқ этиш мазкур мулоқотларнинг асосини ташкил қилаётди.

Муштарийлар билан учрашув

Навбатдаги ижодий учрашув пойтахт-тимиздаги «Чинобод» санаторийсида бўлиб ўтди. Ошқозон-ичак касалликларини даволашга ихтисослашган ушбу соғломлаштириш масканида дам олаётган, саломатлигини тиклаётган таълим соҳаси вакиллари тахририят жамоасини хуш кайфиятда кутиб олди. Учрашувга 95 ёшдан ошган онахонларнинг таклиф этилиши кечага фойз бағишлаган бўлса, ёши улуг инсонларнинг ҳаёт тажрибалари ҳақидаги ибратли ҳикоялари йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир давомида сиҳаттоҳ дам олувчилари газеталар фаолиятига оид фикрларини билдирди. Шунингдек, мулоқот доирасида ташкил этилган рақс (аёллар), шахмат (эркаklar) ҳамда шашка (болалар) мусобақаларида голибликни қўлга киритган муштарийларимизга тахририятнинг эсдалик совгалари топширилди.

Қизгин ва кўтаринки кайфиятда ўтган юзлашув Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ актёрлари тайёрлаб келган кулгу ва қўшиқ кечасига улашиб кетди.

Д.ДУСТБЕКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Таътилда спортга ошно болалар

Олтинқўл туманидаги "Навбахор" болалар оромгоҳида ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиётган ўқувчилар янги ўқув йилини аъло кайфиятда бошлашларига шубҳа йўқ.

Оромгоҳ жамоаси мавсум олдидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг мазмунли, хавфсиз дам олишлари учун барча ташкилий ишларни амалга оширди. Бош тарбиячига 16 нафар етакчи ва гуруҳ раҳбарлари билан иш олиб бориш юзасидан услубий кўрсатма берилди. Учинчи даврада соғлом-

лаштирилаётган 200 нафар болажоннинг юз-кўзида мамнунлик. Ҳар куни турли йўналишларда машғулот. Ким нимага қизикса, марҳамат. Футбол, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон тўғрақларида ҳар куни ихлосмандлар давра-давра бўлиб тўланади. Компьютер саводхонлигини оширмоқчи бўлганлар учун алоҳида машғулот. Ким-

Yozgi sog'lomlashtirish

дир расм чизади, инглиз тили тўғраги аъзолари кўпчиликни ташкил этади.

Оромгоҳда шахмат, шашка, стол тенниси мусобақалари тез-тез ўтказилмоқда. Голиб ва совриндорларга оромгоҳ маъмурияти ўз эсдалик совгаларини топширмоқда.

Шухратбек КЕЛДИЕВ
Анджон вилояти

Яйраб, қувнанг, болалар!

Болалар бор жойда бахт бор, қувонч бор. Уларнинг кулгусини эшитган киши чарчоқни буткул унутади. Минглаб ўғил-қизларни ўз бағрига қамраб олаётган оромгоҳларда бўш вақт хуш вақтга айланипти.

Хўжайли туманидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежи қошида "Саломатлик" кундузги дам олиш оромгоҳида таътил давомида 700 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Зарур шарт-шароитлар яратилган оромгоҳда "Чевар қўллар", "Тўқиш", "Ёш қаламкаш", "Китобхон", "Чет тили" тўғрақлари фаолият юритмоқда. Чоғроққина кутубхона болажонлар ихтиёрида.

— Ўқувчининг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди марказ тарбиячиси Гулимхан Қудайбергенова. — Янги ўқув йилини аъло кайфиятда кутиб олиш айнан шу масалага боғлиқдир. Ўғил-қизларнинг билиминини мустаҳкамлаш, дунёқарашини ривожлантириш мақсадида "Билим-ринг", "Сиз қонунни биласизми?", "Марказ маликаси", "Миллий урф-одатлар", "Миллий ўйинлар", "Йигитлар султони", "Эртақлар оламига саёҳат" каби турли кўнгилочар ўйинлар, ижодий кеча ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри актёрларининг қизиқарли томошалари болалик дунёсига мос. Ўлкамизнинг диққатга сазовор



Yoz - o'tmoqda soz!

жойларига уюштириладиган саёҳат энг севимли машғулотдир. И.В.Савицкий номидаги санъат ва Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейлари ҳамда "Истиклол" болалар дам олиш масканига саёҳат асосида болаларнинг тарих фанига оид билимлари мустаҳкамланди. Дам олиш масканида эса улар аттракцион ва аргимчоқларда учиб, завқланишди.

— Оромгоҳнинг қулайлиги — ота-онамиздан йироқлашмаймиз, — дейди ўқувчи қиз Севинч Қалбоева. — Кўпалаб дўстлар ортириб, спорт мусобақаларига қатнашиш, ўз куч ва маҳоратимизни синовдан ўтказишимиз мумкин. Чет тили тўғраги аъзосиман. Тенгдошларим билан инглиз тилида мулоқот қилиш завқли.

Эллиқалъа туманидаги "Орол болалари" халқро соғломлаштириш марказида 1200 ўқувчини соғломлаштириш режалаштирилган. Сўлим табиат кўйида дам олаётган ўғил-қизларнинг шодон чеҳрасига боқар экансиз, ғамхўрликлардан мамнунлигини илғайсиз. Уларнинг бири расм чизади, кимлардир шашка-шахмат ўйнайди. Хохловчилар спорт машғулотлари билан шуғулланади.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Голиблар аниқланди

Нукусда 2002—2007 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида теннис бўйича "Ёз - 2017" спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мусобақада туманлар ва Нукус шаҳридан 120 спортчи қатнашди.

Ўғил болалар баҳсида Ўткир Бекниёзов, Эрсултон Дарибоев, Айдос Муротбоев, қизлар ўртасида Оксулвуд Худойбергенова, Элвира Тожекеева, Дилноза Исмоилова голиб бўлди. Умумжамоа ҳисобида Нукус шаҳри жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ
(ЎЗА) олган сурат.



Матода акс этган орзулар

Иқлим момонинг умр йўлини белгилаб берди

(Давоми. Боши 12-бетда.)

Атрофимиздаги «Янги Ҳазорбоғ», «Боғи Эрам», «Қовунли сой», «Ол-мазор», «Шакарқамиш», «Дунётепа» маҳаллаларидан тўрагагимизга қатновчи қизлар сафи тобора ортмоқда. Ҳозир «Баркамол авлод» болалар маркази, мусиқа ва санъат мактабларида каштадўзлик ва тўқувчиликни кенгайтирилган машғулот тарзида ўтиш юзасидан услубий қўлланма яратилган. Келгусида Намангандан тўқув дастоҳлари олиб келиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятида-миз.

Роҳат Тангрибердиева хунарманд устозининг каштадўзликдаги энг муҳим тавсиялари, маҳорат сабоқларини доим ёдида сақлашини айтиб, уларнинг айримларини биз билан бўлишди:

— Гуллари ва чокнинг нафислиги билан ажралиб турадиган кашталарни тикиш алоҳида зеҳн ва сабр-тоқат талаб қилади. Хунармандлик буюмларининг ҳар бирига буюртмачининг талабига қараб безак берилди. Масалан, адас қўйлакка қалампирнусха, анор гули, чиннигул ёки лола тасвирлари чокланса, хона жиҳозлари учун мўлжалланган кашталарга нодир нақшлар зарб қилинади. Ипақлар жилоси муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган уста рангларни танлашга алоҳида аҳамият қаратади. Анор пўсти, ёнғоқ, чинор, тут дарахтлари пўстлогини қайнатгиш йўли билан олинadиган бундай табиий ранглардан моҳирона фойдаланамиз. Каштачиликда игналар, илмоқчи ва илмоқсиз бигизлар, тўгнағич, ангишвона, қайчи ҳамда чамбарак (керги)лар ишлатилади. Газламан тарағ тортиб турувчи ёғочли чамбарак асосан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Кичик

кашталарга доира чамбарак ишлатилади, чунки у қўлайдир. Кашта чамбаракда тикилса, ангишвона тақиш шарт эмас. Ўзбек каштачилигида йўрма, ilma, ироқи, куппа, чинди, босма, хомдўзи, чамак, кандахайл, чиптахайл, сув, қайтма, попоп, қийиқча, бая чокларидан кенг фойдаланилади.



Апликация

Фан-техника тараққий этиши натижасида янги ахборот ва ишлаб чиқариш технологиялари вужудга келиб, ижтимоий ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди. Попоп машинасидан каштанинг мураккаб йўллари, гуллارнинг ўзаклари, нақш атрофини тикишда ҳозир ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Апликация, мунчоқли безак, бисер териш йўналишларининг пайдо бўлиши каштачиликнинг аҳамиятини яна бир қарра оширди. «Апликация» лотинча «ёпиштириш» деган маънони билдириб, газлама, қорғоз ва бошқа материалларни қўшимча компонентларни ёпиштириш ёки тикиш йўли билан безаш демакдир. Апликация каштадўзликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга.

Асосий матога рангдор газлама парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади, апликацияда кўпинча изма чоклардан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда аёллар, болалар пальтолари, қўйлақлари, бош кийимларига куш, мева, гул ва ҳайвон тасвири апликация усулида чокланади.

«Баркамол авлод» болалар марказларининг «Моҳир кўллар», «Мунчоқ-



ли безак», «Бисер тўқиш» тўрақларидан, мактабдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга каштачилик тарихи, замонавий мода йўналишида кенг қўлланилаётган усуллар ҳақида маълумот берилди. Олтинсой туманидаги 12-мактаб қошида ташкил этилган «Мунчоқли безак» тўрағи ҳам Иқлим момонинг шоғирди, технология фани ўқитувчиси Шаҳло Турдиеванинг ташаббуси билан очилган.

— Болаларга хунар сирларини ўргатишда каштачилик усулида тикилган кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларининг олдинги ва ҳозирги кўриниши акс этган лавҳалар, мода журналларидан ўрин олган замонавий либослар эскизидан фойдаланаман, — дейди Шаҳло Турдиева. — Каштачиликда ишлатилаётган газлама, иллар ранги, чок ва нақш турлари тафовутини тушунтираман. Каштачиликда ишлатилadиган чок турларини ўргатишда чоклар схемаси плакатда катгароқ кўрсатилади. Бу ўқувчиларнинг каштачиликка қизиқишини оширади.

Халқимизнинг энг қадимий санъат турларидан бири — каштачилик қўли гул чеварлар томонидан шакл ва бадий жиҳатдан янада сайқалланиб, ҳам миллий, ҳам замонавий кўриниш касб этмоқда.

Бу йил 65 ёшга қаршилаётган Иқлим Тошбоева «Шухрат» медали соҳиби (2013). Анъанавий хунармандлик йўналишида кетма-кет икки марта (2002, 2003) ЮНЕСКОнинг 1-даражали дипломи билан тақдирланган. У тиккан маҳсулотлар хорижий давлатлардаги фестивал ва кўргазмаларда намойиш этилган, миллий саҳна либослари нуфузли концертларда чет эл томошабинлари олқишига сазовор бўлган. Юздан зиёд шоғирлар тайёрлаган. Халқимизнинг ноёб қадриятлари ҳамда анъаналарини каштачилик санъати орқали дунёга танитаётган замондошимиз бундан кейин ҳам юртимиз довуғини етти иқлимга таратишига ишонамиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-715. Tiraj 34528.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2020-6416



4 772010 641009

«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.ma'rifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hasan MO'MINOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 21.45 Topshirildi — 23.20

1 2 3 5 6